

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 31

Тошкент ш.

2022 йил "01" ноябрь

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган "UZBEKGEOFIZIKA" АЖ номидан низом асосида иш юритувчи Бошқарув Раиси Юсупжонов Р.А. бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган «MONUMENT STORY» МЧЖ номидан низом асосида иш юриувчи Директори Эшманов О.К. иккинчи томондан, ўзаро келишган ҳолда "Буюртмачи"нинг тасарруфидаги Тошкент ш. М.Улуғбек тумани, "Алишеробод" МФЙ, Миллий боғ кўчасида жойлашган қурилиши тугалланмаган 4-қаватли 4б-уй 8та хонадонларни қурилиш ишларини давом эттиришга доир ишларни бажариш ҳамда ушбу ҳудуддаги КБ-405.1а маркали башенний кранни демонтаж қилиш, "Ўзбекгеофизика" АЖ ҳудудига олиб бориш ва монтаж қилиш ишларини бажариш, кейинги ўринларда "Объект" деб юритилади, мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1. "Пудратчи" мазкур шартнома шартларига мувофиқ "Буюртмачи"нинг тасарруфидаги "Объект"ни қурилиш ишларини давом эттириш ишларини бажариш буйича мажбуриятини олади, "Буюртмачи" эса "Пудратчи"га қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### II. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

1. Мазкур шартнома буйича E/TENDER Электрон биржа, танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг баённомаси (ЛОТ №163488) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 1 078 240 427 (бир миллиард етмиш саккиз миллион икки юз қирқ минг тўрт юз йигирма етти) сўмни ташкил этади. ККС билан.

2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейийчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми "Буюртмачи" томонидан ўзгартирилганда;

3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар "Буюртмачи" билан "Пудратчи" ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### III. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

1. Мазкур шартнома буйича "Пудратчи" мазкур шартноманинг I бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни "Буюртмачи"га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2. "Пудратчи" мазкур шартнома буйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур

тарзда бажарилиши ҳамда объектни топширилиши учун “Буюртмачи” олдида тулик мулкый жавоб беради.

#### IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

1. Мазкур шартномани бажариш учун “Буюртмачи”:

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда шартномага мувофик ишларни бажариш учун майдонни “Пудратчи”га бериш, тугаяланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Шартномага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

1. Шартнома томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб кучга киради.

2. “Пудратчи” аванс тўлови тушган кундан бошлаб, 3 кун ичида ишларни бажаришга киришади.

#### VI. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

1. “Буюртмачи” “Пудратчи”га шартнома бўйича 30 фоиз аванс ўтказади, бу 323 472 128 сўмни ташкил этади.

2. Таъмирланаётган объектнинг қолган 65 фоизи учун “Буюртмачи” ва “Пудратчи” ўртасидаги ҳисоб-китоблар таъмирлаш ишлари давомида бажарилган ишлар далолатномаси асосида ҳисоб-фактура бўйича тўлананди.

3. Қолган 5 фоизи “Объект” “Буюртмачи” томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ҳисоб-фактура ва бажарилган ишлар далолатномаси асосида ҳамда назорат ўлчовиндан кейин амалга оширилади.

#### VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

1. “Пудратчи” ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

2. Таъмирлаш майдонида умумий тартиб, техник хавфсизлигини таъминлаш “Пудратчи”нинг вазифаси ҳисобланади.

3. Таъмирлаш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни улашни “Пудратчи” амалга оширади.

4. “Пудратчи” ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб- ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

5. Агар “Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда “Пудратчи” ўз маблағи билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш мақсадида қилишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

6. Агар “Пудратчи” сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатлар ичун тузата олмаса “Пудратчи” уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида бажарилган ишларни “Буюртмачи”га тўлайди.

7. “Пудратчи” таъмирлаш майдонини ва унга туташган кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озиқ-овқат қилиш даврида майдондан қурилиш ахлатани “Буюртмачи” томонидан кўрсатилган жойга



Two handwritten signatures in black ink are located at the bottom right of the page, below the stamp.

чиқариб ташлайди, ҳамда ички ва ташқи йўлларга етказилган зарар ўз ҳисобидан тамирлайди.

## VIII. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

1. “Пудратчи” ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект “Буюртмачи” томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

## IX. ЁНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

1. Агар ушбу шартнома, бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

3. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда “Пудратчи” ва “Буюртмачи” ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

4. Агар томонлар бир ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## X. ҚУРИЛИШ ВА ТАЪМИРЛАНИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

1. Қурилиш ва таъмирлаш ишлари тугалланган “Объект”ни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

2. “Объект”нинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида “Пудратчи”нинг ёзма билдиришномаси “Буюртмачи” томонидан олинган кундан бошлаб 3 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

3. Объектни Давлат комиссияси томонидан эксплуатация қабул қилишда бевосита иштирок этади ҳамда комиссия мавжуд бўлган ҳамма саволларга жавоб беради.

4. Қабул қилиб олинган пайдан бошлаб “Объект” “Буюртмачи”нинг мулкига айланади.

## XI. КАФОЛАТЛАР

### 1. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қўрилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва таъмирлаш сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва “Объект”дан фойдаланишнинг кафолатли даврида



аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;  
“Объект”дан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

2. “Объект” ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган “Объект”ни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб, камида 3 ой этиб белгиланади.

3. Агар “Объект”дан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар “Пудратчи” томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари “Пудратчи” ва “Буюртмачи”нинг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

## ХП. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

### 1. “Буюртмачи”:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши “Буюртмачи”га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра “Пудратчи” томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда; ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати “Пудратчи”нинг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўлайган ҳолда, “Пудратчи” томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

“Пудратчи” томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### 2. “Пудратчи”:

ишларнинг бажарилиши “Пудратчи”га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра “Буюртмачи” томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қуйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

3. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

4. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

5. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қуйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.


## ХПІ. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКІЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистан Республикаси Фуқаролик кодексида, “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунида ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

2. Мазкур шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганда, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган мажбуриятларни бўзганлиги учун “Буюртмачи” “Пудратчи”га кечиктирилган ҳар бир кунга ўз мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи микдоридан ортиқ пеня тўлайди.



пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши “Буюртмачи”ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун “Буюртмачи” “Пудратчи”га ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

4. “Пудратчи” “Объект”ни “Буюртмачи”га ўз вақтида топшириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси “Объект” шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

“Буюртмачи” томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун “Пудратчи” буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш “Пудратчи”ни ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

5. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур бўлимда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

6. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### XIV. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

7. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилиланган шахслари, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу харажатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

8. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали: anticorruption@uzbekgeofizika.uz) ёки ишонч телефони (71-264-84-05) орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

9. Мазкур бўлимнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

10. Ушбу бўлимда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бузган томонлама бекор қилишни талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш учун шартноманинг 12-бўлимида кўрсатилган тартибда амалга оширилади, шунининг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши туфайли кўрилган зарарларни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас.



## XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар музокаралар орқали ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

2. “Пудратчи” курилиш “Объект”га ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини “Буюртмачи”нинг ёзма рухсатисиз бирон-бир учинчи томонга бериш ҳуқуқига эга эмас.

3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тўзилди ва 2022 йилнинг 31 декабрга қадар амал қилади.

## XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

Буюртмачи:

«UZBEKGEOFIZIKA» АЖ



Пудратчи:

«MONUMENT STROY» МЧЖ



*P. A. Yusupjonov* Р.А.Юсупжонов



Директор *O. K. Eshmanov* Эшманов О.К.

*[Handwritten signatures]*